



german  
cooperation

DEUTSCHE ZUSAMMENARBEIT

Нашриет:

**giz** Deutsche Gesellschaft  
für Internationale  
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

Техникавий ёрдамида:



---

# ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

---

## ЎЗБЕКИСТОН

2022

# МУНДАРИЖА

---

<b>КИРИШ .....</b>	<b>2</b>
<b>АСОС .....</b>	<b>3</b>
(1) ДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ПОТЕНЦИАЛ МАНФААТЛАРИ.....	3
(2) ДУАЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ.....	3
<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ .....</b>	<b>4</b>
(3) ДУАЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ ТАЪРИФИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ [ЎЗБЕКИСТОН].....	4
(4) БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ, МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА, ИШТИРОКЧИЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР.....	6
(5) ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМА .....	8
(6) ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАЙЁРЛОВ .....	9
(7) ИШ ЖОЙИДА ТАЪЛИМ ВА ТАЙЁРЛОВ .....	9
(8) МОЛИЯЛАШТИРИШ.....	9
(9) ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....	10
<b>ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>10</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>15</b>
(1) ЙЎЛ ХАРИТАСИ .....	15
(2) PR-СТРАТЕГИЯ.....	19

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим тизими (ПТ) учун дуал таълим дизайни ва янада ривожлантириш йўллари баён этилган. У дуал таълимни янада ривожлантиришда масъул давлат идоралари учун йўналиш ва йўл-йўриқлар бериш учун мўлжалланган. Ушбу концепция миллий профессионал таълим тизимини таҳлил қилиш, керакли тизимни яратиш учун зарур бўлган ўзгаришларни ҳисобга олишга асосланган. Дуал таълим тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни турли босқичлардан ўтади. Шу тариқа, бу шунчаки профессионал таълимнинг бирон бир алоҳида тизимининг такрорланиши эмас, балки дуал таълимнинг миллий тизимини яратиш учун мавжуд анъанавий тизимга қўшилиши зарур бўлган элементларнинг оқилона танловидир.

Ҳужжат сўнгида “йўл харитаси” концепцияни амалга ошириш бўйича энг муҳим босқичларни ифода этади. Қисқача, PR-стратегия дуал таълимни амалга оширишда турли манфаатдор томонлар гуруҳларининг қўллаб-қувватлашини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Ушбу ҳужжат GIZнинг “Марказий Осиёда иқтисодий ривожланиш секторлари учун профессионал таълим” (PECA) лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасида профессионал таълим учун миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Миллий Ишчи Гуруҳ (МИГ) томонидан ишлаб чиқилган. Миллий Ишчи Гуруҳ таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ), Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (БММВ) вакиллари, профессионал таълим муассасалари ва иш берувчилар уюшмаларининг маъмурий ва педагогик ходимлари киритилди:

- Сарманов Обид Баҳодирович, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, профессионал таълим стандартлари, касблар йўналишлари, малака талабларини ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси;
- Шарофаддинов Шихназар Анварович, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори ўринбосари;
- Грановская Элла Еремеевна, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи;
- Фозилова Мамура, Янгийўл Агротехнологиялар Техникуми ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори;
- Гафарова Маҳфуза, «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳузуридаги Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми;
- Бобоназарова Бахтиниса Абдирахмановна, «Тошкент Нон» уюшмаси, лаборатория бошлиғи;
- Бабахонов Аҳадхон Асадилаевич, «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ, кадрлар захирасини тайёрлаш ва таълим муассасалари талабалари билан ишлаш бўйича бош мутахассис;
- Якубов Обидхон, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси, инвестиция лойиҳалари бўлими бошлиғи.

Миллий ишчи гуруҳга ICON-Institute дан халқаро экспертлар Тея Сипрашвили ва Рейнхард Ханнесшлегер, GIZ дан Томас Люкс ва Гўлнара Раҳматуллаева, шунингдек, ICON-Institute дан миллий экспертлар Аҳадхон Бабахонов ва Худайназар Қурбоновлар қўллаб-қувватладилар.

## (1) ДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ПОТЕНЦИАЛ МАНФААТЛАРИ


Професионал таълимнинг дуал тизимлари давлат ва касб-ҳунар таълимидан манфаатдор бўлган корхоналар ҳамкорлик томонидан битирувчиларни иш билан таъминлашнинг юқори даражасини таъминлаётгани, бу эса ишсиз ёшлар даражасининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Зеро, дуал профессионал таълим нафақат таълим ва тарбия мазмунини иш берувчиларнинг эҳтиёжларига мослаштиришдан иборат. Бу, биринчи навбатда, таълимнинг нафақат амалий ва назарий кўникмаларни ривожлантириш, балки меҳнатсеварлик ва фуқаролик кўникмалари каби техник, ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан баркамол етук шахсларни шакллантиришга ёрдам берадиган муносабатларни ҳам ўз ичига олган яхлит шаклидир.

Дуал профессионал таълими битирувчиларининг юқори даражада иш билан таъминланиши имкониятининг калити уларнинг меҳнат дунёсига эрта интеграциялашувидан иборат. Дуал таълим билан профессионал таълими муассасалари битирувчиларининг максимал бандлигига эришилади, унда мустақилликни ривожлантириш ва ёш мутахассисларнинг катталар ҳаётига энгиллик мослашишига ҳисса қўшадиган ҳамкор корхоналар муҳим рол ўйнайди. Бунга ўқувчиларни ишга қабул қилиш жараёни каби одатий жараёнга ўхшашлиги тўғрисида эришилади. Иш берувчи ўзи учун потенциал ходимни танлайди ва ишчи сифатида ўз вазифасини бажарадиган талаба ўз вақтини таълим муассасасида эмас, балки иш жойида ўтказади, у ерда муҳим касбий кўникмаларга эга бўлади ва илк бора профессионал тажрибага эга бўлади. Бундан ташқари, иккала жойда ҳам таълим муассасасида ҳам, иш жойида ҳам таълим ва тарбия бир-бирига боғланган ва бир-бирига таянган бўлади. Фақатгина ушбу меҳнат дунёсига интеграцияни таъминлайдиган, уни пухта ишлаб чиқилган ва яхши молиялаштирилган таълим муассасалари тизими билан бирлаштирган таълим тизимларини дуал профессионал таълим деб ҳисоблаш мумкин.

Дуал профессионал таълимни муваффақиятли жорий этиш учун зарур бўлган таълим тизими ва макро, мезо ва микро даражадаги иқтисодий ёртасида қўшимча мувофиқлаштириш ишлари ўзини оқлаб, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати ва долзарблигини ошишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, узоқ муддатли истиқболда бу малакали кадрлар сонининг кўпайишига, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва миллий иқтисодий даражасининг ошишига имкон беради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, дуал таълимнинг тўғри йўлга қўйилган тизимида тадбиркорлик субъектлари вакиллари профессионал таълими тизимини шакллантиришда фаол иштирок этиши ва таълим сифатини таъминлаши мумкин.

## (2) ДУАЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ

Дуал профессионал таълимнинг асосий жараёни қуйидаги расмда кўрсатилганидек бир нечта босқичлардан иборат. Оч ҳаво рангда профессионал таълим тизимларининг барча турларида мавжуд бўлган босқичлари кўрсатилган, лекин дуал профессионал таълими учун мослаштирилиши керак бўлади. Тўқ ҳаво ранг профессионал таълимнинг анъанавий шаклларида қўшимча тарзда жориш этилиши зарур бўлган жараёнлар кўрсатилган.



Ушбу асосий жараёнларнинг барчаси қўшимча бошқарув жараёнларига (масалан, дуал таълим корхоналарига қўйиладиган талабларни белгилаш, таълим шартномаларига қўйиладиган талаблар, таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва имтиҳон комиссиялари ишини ташкил этиш кабилар), шунингдек, қўллаб-қувватлаш жараёнларига боғлиқ (масалан, дуал профессионал таълимни тарғиб қилиш, дуал профессионал таълимда қатнашишни хоҳловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш,

ўқитувчилар, амалий таълим усталарини таълим муассасаси ва мураббийларни корхонада ўқитиш, имтиҳон саволлари/топшириқларини ишлаб чиқиш кабилар).

Дуал профессионал таълим тизими бу жараёнларнинг барчасини ўз ичига олиши керак. Масалан, якуний имтиҳондан ўтганлар ўзларининг касбий малакаларини исботлаш учун қўшимча имтиҳонлардан ўтишлари шарт эмаслигини англатади. Дуал таълим анъанавий профессионал таълим билан бир хил тарзда миллий малакалар доирасига киритилиши лозим.

Мазкур ҳужжатда дуал профессионал таълим миллий тизимини яратиш ва жорий этишда ушбу жараёнлар ҳисобга олинган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

### (3) ДУАЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ ТАЪРИФИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ [ЎЗБЕКИСТОН]

Ўзбекистонда 2021 йилдан бошлаб «Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ дуал профессионал таълим (дуал ПТ) жорий этилиб келинмоқда<sup>1</sup>.

Низомда дуал профессионал таълим ўқувчиларга зарур билим, кўникма ва малакаларнинг бир қисми таълим ташкилотида, иккинчи қисми эса ўқувчининг иш жойида корхонада олишга қаратилган профессионал таълим деб таърифланади. Шу билан бирга, иккита ўқув майдонларида дуал таълимни амалга ошириш бўйича вазифа ва масъулият тегишли Низом билан тартибга солинади.

Профессионал мактаб ўқувчилари учун дуал профессионал таълим дастурларининг минимал муддати - 2 йилни ташкил қилади. Коллежлар ва техникумларда ўқиш муддати мутахассисликларнинг мураккаблик даражаси ва ўқув режасида ушбу малакаларни олиш учун ажратилган соатлар сони билан белгиланади. Умумтаълим мактаби, профессионал мактаб ва академик лицейнинг 11-синф битирувчилари ўқув режасида кўрсатилган коллежларда 6 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда ва техникумларда 3 йилгача бўлган муддатларда дуал профессионал таълими дастурларига қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Дуал таълимга қабул қилиш корхонада дуал таълим дастурига мувофиқ, малака бўйича амалий таълим олиш учун жой мавжудлиги билан боғлиқдир. Умумтаълимнинг камида 9 синфини муваффақиятли тамомлаган ёшлар профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этган ҳолда дуал профессионал таълим дастурлари бўйича ўқишга кириш ҳуқуқига эгадирлар<sup>2</sup>. Ўқувчиларнинг учун минимал ёши - 16 ёшни ташкил қилади<sup>3</sup>.

Дуал профессионал таълим уни ишлаб чиқиш, бошқариш ва жорий этишда иқтисодиёт ва таълим тизими ўртасидаги тармоқлараро ҳамкорлик билан тавсифланади.

Профессионал таълим муассасаси ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик дуал профессионал таълимнинг асоси ҳисобланади. Дуал таълимда кадрлар тайёрлаш бўйича профессионал таълим муассасаси билан шартнома тузган корхоналар (ҳамкор корхоналар) амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш тажрибасини олиш учун жойларни тақдим этишлари керак бўлади.

Дуал профессионал таълими дастурига қабул қилинган ёшлар (агар улар вояга етмаган бўлса, уларнинг қонуний вакиллари) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дуал таълим тўғрисидаги шартнома шаклини имзолаши керак бўлади.

- 1 Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги 637-сонли "Таълим тўғрисида" ги қонуни <https://lex.uz/ru/docs/5013009> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги 163-сонли қарори билан тасдиқланган "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақидаги низоми " <https://lex.uz/docs/5346217>
- 2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.11.2020 йилдаги 715-сонли қарори билан тасдиқланган "Профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом" нинг 5-бандига қаранг. <https://lex.uz/docs/5096886#5103642>
- 3 Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумий таълим мактаблари, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг соғлиги ва маънавий камолотига зарар келтирмайдиган, меҳнат фаолиятига халақит бермайдиган енгил ишларни бажаришга жалб этишга рухсат этилади. Ўқув жараёнидан бўш вақтда – уларнинг ўн беш ёшга тўлиши билан, ота-оналардан бирининг ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилигига асосан.

Ҳамкор корхона ўз ходимлари учун белгиланган бир хил шартлар (ҳужжатлар ва шартнома тузиш) асосида ўқувчиларни ёллайди. Турли ҳамкор корхоналардан бир хил профессионал мутахассисликдаги ўқувчилар бир гуруҳ аъзолари сифатида профессионал таълим муассасасига қатнашадилар. Профессионал таълим муассасаларида амалдаги қонунчиликка асосан гуруҳларни тўлдириш 12 нафардан 30 нафаргача белгиланган. Зарур бўлганда, гуруҳдаги ўқувчилар сони корхоналар таклифлари асосида касблар ва мутахассисликлар бўйича ўқув харажатларини қоплаш асосида 12 дан кам бўлиши мумкин<sup>4</sup>. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнига (шу жумладан иш жойидаги амалиётга) жалб қилиш шартлари ва муддатлари профессионал мутахассислик ўқув режасида белгиланади.

Дуал профессионал таълим ўқув режаси профессионал таълим муассасаларида назарий ва амалий машғулотларни, шунингдек, турли назарий ва малака соҳалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда амалий ўрганиш ва иш жойида ўқитишни ўз ичига олади. Шундай қилиб, назарий асосларни билиш ва маълум бир асосий вазибаларни бажариш қобилияти ўқувчиларни тайёрланмаган ходимлардан ажратиб туради ва ҳамкор корхоналарга, бир томондан, уларни ишлаб чиқариш жараёнининг муайян фаолиятига тезда интеграциялашуви, иккинчи томондан, уларнинг профессионал билим, тушунча ва кўникмаларини чуқурлаштириш имконини беради.

Ўқув дастурларида, шунингдек, ҳамкор корхоналарнинг ихтисослиги тўғрисида талабаларнинг ўзига хос кўникмаларига эътибор лабораторияларда, устахоналарда ёки (энг яхши ҳолатларда) кичик устахоналарда асосий кўникмалар ва тажрибаларни олиш бўйича амалий машғулотлар билан мутаносиб бўлишини назарда тутаяди.

Дуал профессионал таълим дастури бўйича ўқишнинг охириги йили якунида ўқувчилар мустақил назарий ва амалий имтиҳонларни топширишлари керак бўлади. Мустақиллик шу нарсани англатадики, имтиҳон комиссияси таркибига нафақат талабаларга дарс берган ўқитувчилар, балки иш берувчиси бўлмаган бошқа корхона вакиллари ҳам киритилади.

Талаба имтиҳонни муваффақиятли топширганидан сўнг, ўқувчилик тугайди. Битирувчи доимий меҳнат шартномасини имзолаган ҳолда ҳамкор корхонада ишлашни давом эттириши ёки бошқа корхонада иш топиши мумкин.


Муваффақиятли битирувчиларнинг барчаси касбий малакаларини тасдиқловчи давлат дипломини оладилар. Мутахассислиги бўйича қўшимча малака олган шахсларга сертификат ёки белгиланган намунадаги сертификат берилади. Битирувчиларга белгиланган тартибда тегишли малака даражалари берилади.

Мустақил назарий ва амалий имтиҳонлар таълим муассасаси ва корхоналар (бирлашмалар, палаталар) вакиллари билан биргаликда тайёрланади ва ўтказилади. Дуал профессионал таълим битирувчилари кейинги профессионал ёки олий таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар (Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражали дастурлари асосидаги коллежларда ёки 4 ва 5 даражаларига мос келадиган дастурларни амалга оширадиган техникумлар ёки ўқишга бакалаврият дастурлари бўйича таълим олиш учун университетларга кириш ҳуқуқига эгадирлар) (1-расмга қаранг), шу жумладан, таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражали дастурларни муваффақиятли тугатгандан сўнг, уларга иккинчи йил индивидуал суҳбат асосида кириш имтиҳонларини топширмасдан бакалавриятнинг ихтисослик йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилади<sup>5</sup>.

4 Изоҳ: Профессионал таълим муассасаларида бошланғич профессионал таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлашда гуруҳлардаги ўқувчилар сони камида 26 киши этиб белгиланган.

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6-сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида қаранг. Шунингдек: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2020 йилдаги 466-сонли “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига қаранг.





**(4) БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ, МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА, ИШТИРОКЧИЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР**

Муассаса номи ва таърифи	Миллий профессионал таълим тизимида тутган ўрни ва асосий вазифалари
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>o таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;</li> <li>o таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларини бошқаради;</li> <li>o таълим ташкилотларини сертификатлаш ва давлат аккредитацияси, ўқитувчи ходимлар ва илмий ходимларни аттестациядан ўтказиш, нодавлат таълим ташкилотларига таълим хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини белгилайди;</li> <li>o ўқув ҳужжатларининг давлат намуналарини тасдиқлайди ва уларни бериш тартибини белгилайди;</li> <li>o таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлайди;</li> <li>o давлат таълим муассасалари ва ташкилотларига қабул қилиш тартибини белгилайди;</li> <li>o кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгилайди;</li> <li>o таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради;</li> <li>o таълим ташкилотлари учун логистик, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилайди;</li> <li>o дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш тартибини, шунингдек уларни таълим ташкилотларига етказиш ва улардан фойдаланиш талабларини белгилайди</li> </ul>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	<ul style="list-style-type: none"> <li>o таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш ва давлат аккредитациясини, шунингдек педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиши;</li> <li>o ўқув жараёни сифатини назорат қилади;</li> <li>o мониторингни амалга оширади ва таълим муассасаларининг педагогик ходимларига лавозимлар ва малака тоифаларини бериш жараёнида иштирок этади;</li> <li>o нодавлат таълим ташкилотларига лицензиялар беради</li> </ul>
Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>o таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;</li> <li>o намунавий таълим стандартини тасдиқлайди;</li> <li>o таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича услубий раҳбарликни жорий қилади, келишади ва амалга оширади;</li> <li>o ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш тартибини белгилайди;</li> <li>o таълимнинг илғор шакллари, янги педагогик технологиялар, техник ва ахборот ўқитиш воситаларини жорий этишни таъминлайди</li> </ul>
Молия вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>o бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларини уларнинг моддий-техник базасини жорий сақлаш, фойдаланиш ва мустаҳкамлаш учун молиялаштиради</li> </ul>
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>o кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди, дастурларнинг мақсадли параметрлари ва меҳнат бозори прогнозига мувофиқ давлат квоталарини ўрнатади;</li> <li>o ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида амалга оширилаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш бўйича таклифлар киритади</li> </ul>
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (бошқа вазирликлар билан биргаликда)	<ul style="list-style-type: none"> <li>o ходимларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта кўриб чиқади;</li> <li>o касбий стандартларни рўйхатга олади ва рўйхатга киритади;</li> <li>o профессионал стандарт тартибини ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;</li> <li>o иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмасини шакллантиришни мувофиқлаштиради</li> </ul>
Тармоқлар бўйича вазирликлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>o соҳа бўйича малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;</li> <li>o касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;</li> <li>o тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига жорий хизмат кўрсатиш, тадбирларни ўтказиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатларини молиялаштиради</li> </ul>
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	<ul style="list-style-type: none"> <li>o таълим дастурлари тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш, янги ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;</li> <li>o замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда профессионал таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;</li> <li>o янги йўналишларни ишлаб чиқиш ёки мавжуд соҳаларни ислоҳ қилиш бўйича ишчи гуруҳга раҳбарлик қилиш ва ташкил этиш;</li> <li>o ишчи гуруҳда раислик қилиш;</li> <li>o дуал профессионал таълимни ўрганиш ва манфаатдор томонларга маслаҳатлар бериш</li> </ul>



Касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>o меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар, ишчиларни тайёрлаш;</li> <li>o моддий-техник базасидан мақсадли фойдаланиш;</li> <li>o педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш</li> </ul>
Иш берувчилар, профессионал уюшмалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>o малакали мутахассисларга, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;</li> <li>o малака талабларини белгилаш;</li> <li>o касбий ва таълим стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;</li> <li>o ҳомийлик/эҳсонлар;</li> <li>o янги иш ўрниларини яратиш;</li> <li>o мустақил сертификатлашда иштирок этиш</li> </ul>
Маҳаллий ҳокимликлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>o дуал таълим дастурлари асосида профессионал таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш параметрлари бўйича таклифлар киритиш;</li> <li>o дуал таълим ташкил этиладиган ташкилотлар бўйича олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклифлар киритиш</li> </ul>

Касбий малака бўйича тармоқлар бўйича кенгашлар классификаторни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиши мумкин.

Дуал профессионал таълим иш берувчилар ва таълим муассасаларидан тенг ҳаракатларни талаб қилишига қарамай, дуал таълимни бошқариш жараёнида иш берувчиларнинг вакиллари кам иштирок этадилар, бу эса қуйидагиларга олиб келиши мумкин:

- бошқарувнинг баъзи муҳим масалалари эътибордан четда қолишига, чунки иш берувчилар бошқарувда тенг овозга эга эмаслар;
- иш берувчилар ва таълим муассасалари ўртасидаги муносабатларнинг заифлиги; иш берувчиларнинг дуал таълимга бўлган паст мотивацияси ва қизиқиши;
- дуал таълим сифатини таъминлаш чора-тадбирлари иш берувчиларга ҳали тақдим этилмаган/ ишлаб чиқилмаган ва иш берувчиларнинг фикрини ҳисобга олмайди, шунинг учун таълим сифатини таъминлаш амалдаги чора-тадбирларни кенгайтириш иш берувчиларни дуал таълимда иштирок этишда демотивациясига олиб келиши мумкин, чунки бу чора-тадбирлар бизнесга тўсқинлик қилиш деб ҳисобланиши мумкин;
- корхоналар стандартларни ишлаб чиқиш, амалий касбий бўйича таълим ва тизимли асосда мустақил сертификатлашда жараёнида иштирок этмайдилар.

Дуал профессионал таълимни амалга оширишдаги бошқа қийинчиликлар:

- дуал таълим дастури иштирокчилари бўлган корхоналарга қўйиладиган талаблар белгиланмаган;
- ўқувчиларнинг овқатланиш (озиқ-овқат) ва махсус кийим-кечак (форма) билан таъминлаш, ўқувчиларнинг эҳтиётсизлиги сабабли асбоб-ускуналарнинг шикастланиши, бузилиши, бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар учун харажатларини қоплаш тартиби белгиланмаган;
- вертикал ва горизонтал даражаларда самарали бошқарув, дуал таълим жараёнини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш механизмларини жорий этиш керак бўлади.

## (5) ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМА

Дуал профессионал таълим бўйича ўқув ўринлари сонини режалаштириш таълим муассасалари ва ҳамкор корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси дуал таълимга қабул параметрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида тасдиқлайди. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таълим муассасалари ва ҳамкор корхоналар учун квоталарни белгилаш методологияси ҳамон очиқлигича қолмоқда. Тасдиқланган квоталар асосида таълим муассасалари аниқ ихтисослик бўйича ўқув ўринларининг максимал

миқдорини белгилайдилар.

Таълим шартномаси (Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган андоза (шакл) асосида) ўқувчи (ёки унинг қонуний вакили), ҳамкор корхона ва таълим муассасаси томонидан имзоланади.

## (6) ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАЙЁРЛОВ

Профессional таълим муассасасида ўқитиш дуал таълимнинг ўқув режасига мувофиқ амалга оширилиши керак бўлади. Ушбу таълим иш жойида ўқитиш билан параллел равишда ўтказилиши мумкин, зеро иш берувчиларнинг таълим муассасасидан ҳудудий масофасига қараб, таълим муассасасида мавсумий ёки бир неча ҳафталик блокларда ўтказиш тавсия этилади. Назарий ва амалий профессионал таълим мазмуни кадрлар тайёрлаш дастурида белгилаб берилади.

Касб-ҳунар мактабларида ўқиш юкломаси умумий таълим блокларига, профессионал (умумий ва махсус) мактабларда фанлар ва амалий машғулотларга бўлинади. Коллежларда ўқиш юкломаси профессионал (умумий ва махсус) фанлар ва амалий машғулотлар блокларига бўлинган. Вазирликлар, идоралар ва иш берувчиларнинг илтимосига биноан ёки ўқувчиларнинг илтимосига биноан ўқув режасига қўшимча фанлар киритилиши мумкин. Техникумларда ўқиш юкломаси гуманитар ва ижтимоий фанлар, махсус фанлар ва амалий машғулотлар блокларига бўлинган.

Касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ўқувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича асосий касбий малака ва малакалар мажмуини эгаллашларини таъминлаган ҳолда, профессионал таълим муассасасидаги лабораторияларда, устахоналарда ёки кичик ишлаб чиқариш устахоналарида бошланғич амалий машғулотлар ва кўрсатмалар берилади.

Ҳар бир ўқув йилининг охирида ўқувчилар оралиқ аттестациядан (йиллик) ўтадилар, унинг натижаларига кўра уларга маълум бир мутахассислик бўйича эришилган касбий малака даражаси (тоифа, категория), шунингдек охирги курсни тугатгандан сўнг диплом берилади.

Мустақил сертификатлаш таълим муассасаси ва иқтисодиёт вакиллари (масалан, уюшмалар / палаталар) билан биргаликда тайёрланади ва амалга оширилади. Дастурнинг мақсадларини ва дуал таълим методологиясини таништириш учун ўқитувчилар ва профессионал таълим магистрлари дуал профессионал таълим бўйича ўқитувчилар учун қисқа муддатли ўқув модулида мунтазам равишда қатнашиб келадилар.

## (7) ИШ ЖОЙИДА ТАЪЛИМ ВА ТАЙЁРЛОВ

Ўқувчилар иш жойида таълим муассасасида ўқиш бўлмаган даврларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига интеграция қилинадилар.

Ҳар бир ўқувчи учун ҳамкор корхонада ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган мураббий тайинланади. Ўқувчи кундалик дафтарида ёзилган режа асосида маълум иш турлари билан танишади, амалиёт ўтайди ва бажаради.

Ўқувчилар кундалиги ўқув режаси билан биргаликда ишлаб чиқилган дуал профессионал таълимнинг ҳар бир мутахассислиги бўйича намунавий ҳужжатдир. У қандай иш турлари кўрсатилган, бажарилган ва муваффақиятли яқунланганлигини кўрсатиб, иш жойида ўқитишнинг амалга оширилишини кузатиб бориш учун ишлатилади.

## (8) МОЛИЯЛАШТИРИШ

Касб-ҳунар мактаблари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилади. Коллежлар фаолияти тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар орқали молиялаштирилади. Техникумлар грантлар, таълим хизматлари, саноат ва бошқа фаолиятдан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахслардан

ҳомийлик ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар билан молиялаштирилади.

Корхона ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йўл кира, овқатланиш, иш кийими (форма) ва ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё, турар жой (зарур бўлса) харажатларини қоплаши мумкин. Корхона, шунингдек, профессионал таълим муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

Бюджетни молиялаштириш республика, вилоят ва маҳаллий даражаларда амалга оширилади. Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий даромадлар ва прогноз қилинадиган харажатларга кўра, ўз йиллик бюджетини прогноз қиладилар.

Ўқувчилар ижтимоий шериклар томонидан келишилган ва меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг профессионал ихтисослик схемасига мувофиқ минимал иш ҳақи оладилар. Корхонадаги мураббийлар - бу ҳамкор корхонада иш ҳақи оладиган тўлиқ кунлик ишчилар.

## (9) ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Дуал профессионал таълим «Таълим тўғрисида» ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 29-мартдаги қарори билан тасдиқланган профессионал таълим тизимида дуал профессионал таълимни ташкил этиш тўғрисидаги низом, дуал таълим тўғрисидаги намунавий шартнома билан тартибга солинади.

## ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. Дуал таълим дастури доирасида кадрлар тайёрлаш жараёни иш/ишлаб чиқариш таълими билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун дастур иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат қонунчилигида аниқ кўрсатилиши керак бўлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига касбий таълим ва (ёки) қайта тайёрлаш шакллари, ўтказиш тартибини, жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаш нуқтаи назаридан, ҳамда дуал таълимни ташкиллаштириш жараёнида қўлланиладиган асосий атамаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши керак бўлади.

2. Дуал таълим дастурида иштирок этувчи корхоналарга қўйиладиган талаблар, таълим дастурининг ажралмас қисми бўлган иш жойида йўриқномалар ва намунавий ўқитиш режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳужжатда таълимнинг умумий натижалари (эҳтимол, профессионал таълимнинг анъанавий шакллари бўйича бериладиган ихтисослик учун бир хил бўлган), шунингдек, иштирокчи корхоналар ва таълим муассасаси учун, ўқитиш ва баҳолаш бўйича алоҳида таълим натижалари ва йўриқномалар аниқ кўрсатилиши керак бўлади.

3. Иш берувчилар дуал таълимни бошқариш ва мувофиқлаштиришда, шунингдек, уни амалга ошириш жараёнида иштирок этишлари керак. Битирувчилар сони ва иш берувчиларнинг малакали ишчи кучига бўлган келажакдаги эҳтиёжлари ўртасидаги тафовутга йўл қўймаслик учун корхоналар аризаларни шакллантириш ва дуал таълим дастурлари бўйича талабаларни жалб этиш жараёнларида фаол иштирок этишлари керак бўлади.

4. “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” ги низомга қуйидаги масалаларни ўз ичига олган қўшимчалар киритиш тавсия этилади:

А) Дуал таълим дастурида иштирок этаётган ўқувчининг мақоми ва вазифалари. Ўқувчининг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак, лекин улар билан чекланмайди:

а) меҳнат шароитлари, профессионал таълим, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги шароитларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишади

б) ўқув ва ишлаб чиқариш интизоми, ички меҳнат қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилади

в) ўқув режасида белгиланган тўлиқ ўқув курсини ўтади

г) ишлаб чиқариш таълими ва профессионал амалиётдан ўтганлиги тўғрисида кундаликка тегишли ёзув киритади, бажарилган ишлар тўғрисида устозга ҳисобот беради;

д) дуал таълимни тугатгандан сўнг оралиқ ва якуний аттестациядан ўтади

Б) Дуал таълим дастурларидан фойдаланиш (жумладан, алоҳида таълимга муҳтож ёшлар), ўқиш давомийлиги, қабулни ташкил этиш мезонлари ва тартиби, қабул жараёнида иш берувчиларнинг иштироки, ўқувчини дуал таълим дастурига қабул қилиш ва бошқалар.

5. Профессional стандартлар асосида дуал таълим дастурларини (дуал таълимнинг намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш методологияси ва режаларини) ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланмани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия қилинади.

6. Ишлаб чиқариш / корхонада ўқув жойларини мунтазам мониторинг қилиш ва рўйхатдан ўтказиш зарур бўлади.

7. Шуни таъкидлаш керакки, дуал таълим - бу янги ёндашув, шунинг учун манфаатдор томонларни уни қабул қилишга ишонтириш осон эмас. Дуал таълим иш берувчилар харажатли ҳисобланади. Мисол учун, меҳнат унумдорлиги даражаси паст, иш берувчининг вояга етмаганларни ишга олиш учун талаблари юқори ва иш жойидаги бахтиз ҳодисалар хавфи ҳам юқори. Иш жойидаги хавфсизлик, устоз маоши, ижтимоий нафақалар учун юқори харажатлар (қоида тариқасида, талабалар оддий ишчилардан фарқли ўлароқ, турар жой, транспорт, озиқ-овқат, стипендия ва бошқалар ҳуқуқига эга). Ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадилар ва шунинг учун корхона учун фойда келтирадилар, лекин мехатроника каби юқори малакали ишчиларни талаб қиладиган тармоқларда ўқувчини ёллаш нархи малакали ишчиларни ёллаш билан солиштирганда юқори бўлиши мумкин.

Шу сабабли, ҳукумат иш берувчиларнинг (таълим муассасалари ва ўқувчилар) дуал таълимда иштирок этишга бўлган мотивациясини оширадиган ва иш берувчиларнинг дуал таълим ўқувчилари учун харажатларини мувозанатлаштирадиган рағбатлантириш тизимини яратиши керак бўлади. Масалан, иш берувчиларнинг дуал профессионал таълимида иштирокини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференциялар, ижтимоий тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, ўқувчиларнинг овқатланиш (озиқ-овқат) ва махсус кийим-кечак (форма) билан таъминлаш, ўқувчиларнинг эҳтиётсизлиги сабабли асбоб-ускуналарнинг шикастланиши, бузилиши, бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар учун зарарларни қоплаш мақсадга мувофиқдир

8. Вертикал ва горизонтал даражаларда дуал таълимни жорий этиш ва синовдан ўтказиш даврида ягона мувофиқлаштириш ва самарали назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кадрлар малакасини ошириш тармоқ ва ҳудудий кенгашлари билан бошқарув соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича дуал таълимни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тавсия этилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига вазирлик ва идоралар вакиллари, профессионал бирлашмалар, йирик иш берувчилар, савдо-саноат палатаси, касаба уюшмалари ва бошқалар киради. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

– республикада дуал таълимни ривожлантириш учун жавобгарлик;

– мавжуд стандартлар ва малака талабларини қайта кўриб чиқиш бўйича касбий малака ошириш бўйича тармоқ Кенгашларига таклифларни киритиш;

– дуал таълим жорий этилаётган касблар (малакалар) рўйхатини танлаш ва тасдиқлаш (корхоналарнинг жойлашуви ва талаб мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда);

– дуал таълим иштирокчилари учун қуйидаги масалалар бўйича ягона қоидалар ва тавсиялар белгилаш:

○ дуал таълим дастурларини молиялаштириш тартиби;

○ иш жойида ўқитишнинг минимал сифатини сақлаб қолган ҳолда максимал ўқув жойларини олиш;

○ ҳамкор корхоналар учун минимал талаблар асосини ишлаб чиқиш;

- o касб-ҳунар мактабларининг лабораториялари ва устахоналари учун зарур жиҳозларни молиялаштиришни таъминлаш;
  - o касб-ҳунар мактабларининг педагог кадрлари ва корхоналарнинг устозларини тайёрлаш фаолиятини молиялаштиришни таъминлаш;
  - o муайян соҳаларга оид бошқа масалалар.
9. Тармоқ кенгашлари қуйидаги вазифаларни бажаради:
- ўқувчи меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
  - ўқув режасидаги ўзгаришларни тартибга солиш;
  - соҳага қараб, ҳамкор корхоналарга қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқиш ва корхонани рўйхатдан ўтказиш жараёнини мониторинг қилиш;
  - меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ схемаларини ишлаб чиқиш;
  - иш берувчилар/корхоналарнинг соҳага бўлган талаб ва таклифини ўрганиш;
  - профессионал таълим муассасаларининг лаборатория ва устахоналари учун зарур жиҳозларни аниқлаш;
  - муайян соҳаларга оид бошқа масалалар.
10. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифалари ва дуал таълим концепциясининг ҳудудий миқёсда амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган профессионал малака ошириш бўйича ҳудудий кенгашлар томонидан амалга оширилиши мумкин.
- Бундан ташқари, кенгашлар қуйидаги масалаларни ҳал қилишлари керак:
- ҳудудий даражада иш берувчилар/корхоналарнинг талаб ва таклифини ўрганиш;
  - вилоят миқёсида дуал таълим бўйича таълим муассасалари имкониятлари ва бўш иш ўринлари мониторинги;
  - муайян соҳаларга оид бошқа масалалар.
11. Иш берувчилар битирувчиларнинг малака даражасига қўйиладиган талабларни белгилайди ва профессионал стандартларни ишлаб чиқишда асосий иштирокчи ҳисобланади. Стандартлар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълимни ташкил этиш, билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш жараёнига манфаатдор томонларни (иш берувчилар, касаба уюшмалари, профессионал уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларини) тизимли жалб қилиш профессионал тайёргарлик сифатини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Буларнинг барчаси ўқув дастурлари иш берувчиларнинг умумий эҳтиёжлари ва иш ўринларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишини кафолатлайди, ҳамда дуал профессионал таълим дастури иштирокчилари учун амалий таълим сифатида хизмат қилади.
12. Корхоналар ўқишга қабул қилиш жараёнида иштирок этишлари керак, чунки дуал таълим дастури бўйича таклиф қилинадиган йиллик квоталар ҳақиқий иш ўринларидан, ўқувчилик учун олдиндан эълон қилинган очик бўш иш ўринларидан келиб чиқиши керак.
13. Корхоналарга қабул қилинган аризалар орасидан кимни ўқувчи сифатида қабул қилишни танлаш ҳуқуқи берилиши керак. Таълим муассасалари ҳамкор корхоналарга ушбу жараённи ташкил этишда ёрдам бериши мумкин.
14. Корхоналарга дуал таълим дастури иштирокчисининг талабларига жавоб бермайдиган ихтисослаштирилган корхоналар ва кичик бизнес субъектларининг шартнома ва буюртма асосида қўшимча мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқи берилиши керак.
15. Дуал таълим дастури иштирокчиларининг қизиқишлари ва мотивациясини ҳисобга олган ҳолда муносабатлар занжирини тўғри ташкил этиш уни амалга оширишнинг муҳим муваффақият омилларидан биридир. Дуал таълим доирасида корхоналар билан самарали мулоқотни ташкил



етиш мақсадида улар уюшма ёки палата ташкил этиши, давлат ва хусусий сектор ўртасида дуал таълим бўйича мулоқотни ушбу уюшмалар ёки палаталар орқали шартномалар асосида олиб бориш тавсия этилади. Ташкилий ривожланиш жараёнида қўллаб-қувватлаш орқали ушбу институтлар ўз вазифаларини бажаришлари ва бунинг учун зарур ресурслар билан таъминланиши орқали кучайтирилиши керак.

16. Дуал таълимга жалб қилинган уч томоннинг мажбуриятлари давлат даражасида аниқ кўрсатилиши керак. Ушбу ҳужжат томонлар ўртасидаги: таълим муддати; таълим бошланиш ва тугаш санаси; томонларнинг жавобгарлиги; синов муддати; таътил ҳуқуқи; таълим мазмуни; ўқувчи мукофоти; ишдан четлатиш учун асослар ва бошқа муносабатларни тартибга солиши керак. Юқорида кўрсатилган масалаларни тартибга солувчи юқори турувчи бошқа давлат ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, намунавий шартнома 3 томонлама бўлиши ва таълим муассасаси, корхона ва ўқувчи томонидан имзоланиши керак.
17. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш бўйича намунавий шартнома ҳар бир ихтисослик бўйича мослаштирилиши керак; шартнома ўқувчи (ёки унинг қонуний вакили), ҳамкор корхона ва таълим муассасаси томонидан имзоланади. Ўқув шартномаларини рўйхатдан ўтказиш профессионал таълим муассасаси ва иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ягона реестрига мажбурий қайд этилган ҳолда амалга оширилади.
18. Бугунги кунга қадар умумтаълим мактаблари, коллежлар ва академик лицейлар ўқувчиларининг касблар тўғрисидаги маълумотлардан хабардорлиги ота-оналар ва қариндошларнинг шахсий тажрибаси билан чекланган. Келажакдаги касбни танлашда, биринчи навбатда, унинг долзарблиги, машҳурлиги ва обрўсига катта эътибор берилади. Шу сабабли, дуал таълим бўйича касбга йўналтириш ишлари иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурларига талаб қилинган толибларни жалб қилишнинг муҳим воситасидир. Шундай экан, ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказлари дуал таълим доирасида касбга йўналтириш бўйича маслаҳатчилар билан таъминланиши керак. Бу дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.  
Иштирок этувчи томонларнинг роли, молиялаштириш ва касбга йўналтириш фаолиятини ўтказиш тартибини батафсил тартибга солувчи тартибни ишлаб чиқиш тавсия этилади.
19. Таълим. Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларнинг салоҳиятини диагностика қилишлари ва ўқувчиларнинг «қаттиқ» ва «юмшоқ» кўникмаларининг мавжудлиги таҳлилини ҳисобга олган ҳолда касбий тайёргарликнинг кейинги жараёнини қуришлари керак бўлади.
20. Ўқувчилик муддатидан олдин тугатилган тақдирда, талабалар томонидан олинган кредитлар ўқиш учун янги шартномалар тузишда, шунингдек, бошқа таълим шакллари олишда ҳисобга олиниши керак бўлади.
21. Иш жойидаги амалий машғулотлар. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик талаблари ишлаб чиқариш таълими ва амалиётидан ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланилади. Шу тариқа, шартнома асосида талаба доимий ишчи сифатида рўйхатга олинади ва корхона томонидан тайинланган мураббий томонидан назорат қилинади. Ишлаб чиқариш ўқув даврида ўқувчилар ўқув режасига мувофиқ кўрсатмалар оладилар, иш турларини бажарадилар ва амалиёт қиладилар.
22. Ҳукумат алоҳида таълимга муҳтож ўқувчилар учун дуал таълим олиш имкониятлари мавжудлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши лозим.
23. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. Барча профессионал таълим ўқитувчилари ўзларининг касбий ваколатлари бўйича тегишли назарий ва амалий билимларга, шунингдек, улар ўтказишга чақирилган фаолият тури ва даражасига мос келадиган тегишли педагогик маҳоратга эга бўлишлари керак бўлади.
24. Дуал профессионал таълим дастури иштирокчилари - ўқитувчиларининг касбий ваколати стандартларини жорий этиш зарур бўлади.



25. “Умрбод таълим олиш” тамойили асосида касбий ваколатни ривожлантиришнинг муқобил ва мослашувчан шакллари жорий этиш орқали дуал профессионал таълим дастури иштирокчилари - педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг марказлашмаган тизимига ўтиш керак бўлади.
26. Илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда касбий ваколатни мустақил баҳолаш тизими, дуал профессионал таълим дастури иштирок этувчи ходимларни аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш.
27. Устозлик. Ўзбекистонда таълимнинг дуал шакли амалда жорий этилиши муносабати билан ҳамда бугунги кунда республика миқёсида корхоналарда мураббийлар тайёрлаш ва/ёки уларнинг малакасини оширишни тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмаслиги ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда:
- мураббийларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  - мураббийларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қоидалари ва талабларини тартибга солувчи Низомни ишлаб чиқиш ва ҳукумат даражасида тасдиқлаш.
- Мураббийларни иш жойида рағбатлантириш шартлари ва мезонлари дуал профессионал таълим дастури иштирокчиси - мураббий билан тузилган шартномада белгиланиши мақсадга мувофиқдир.
28. Ҳамкор корхоналаридаги мураббийлар олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига эга бўлиши, дуал профессионал таълим бўйича устозлар учун ўқув модули бўйича ўқитилиши керак бўлади.
29. Дуал таълимни молиялаштириш икки хил ўқиш жойи учун юқоридаги схема бўйича амалга оширилиши керак: таълим муассасасида таълим ва ўқитиш анъанавий профессионал таълимни молиялаштириш тартибига мувофиқ молиялаштирилиши керак бўлади. Иш жойида таълим ва ўқитиш харажатлари учун асосий жавобгарлик иш берувчига юкланади. Шу билан бирга, бюрократик тизимга йўл қўймаслик ва дуал профессионал таълим бўйича ҳамкор корхоналар учун молиявий юкни енгиллаштириш, шу орқали улар учун дуал таълимда иштирок этишни жозибадор қилиш мақсадида молиялаштириш механизмлари давлат ва ижтимоий шерик ўртасида келишилиши керак бўлади.
30. Дуал таълимни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун PR-стратегияни (2-иловага қаранг) амалга ошириш тавсия этилади. Малакали кадрлар тайёрлашга янгича ёндашув сифатида дуал таълимни жорий этиш бўйича профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш зарур бўлади. Манфаатдор томонларнинг (ота-оналар, иш берувчилар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик) хабардорлигини ошириш мамлакатимизда дуал таълимни муваффақиятли жорий этишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.
31. Давлат имтиҳони. Давлат имтиҳон комиссияси таркибига мазкур ўқувчига дарс берганлардан эмас, балки иш берувчилардан – мазкур ўқувчининг иш берувчиси бўлмаган бошқа корхоналар вакилларидан бошқа ўқитувчилар киритилиши керак бўлади.
32. Касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқлари касбий стандарт асосида ишлаб чиқилган, тегишли ва тасдиқланган таълим стандарти асосида тайёрланиши керак.
33. Зарур бўлган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, амалга оширилган ишлар натижалари бўйича тавсия ва хулосалар ишлаб чиқиш мақсадида дуал таълимни тажриба-синов жараёнини узлуксиз мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга ошириш тавсия этилади.

## ИЛОВАЛАР

### (1) ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми/на-тижалари	Амалга ошириш мuddатлари	Маъсул ижрочи-лар	Жалб қилинган бошқа ҳамкорлар
1	2	3	4	5
<p><b>I. Дуал таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш</b></p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва Дуал таълим тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига касбий таълим ва (ёки) қайта тайёрлаш шаклларини, ўтказиш тартибини, жараён иштироқчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш нўқтаи назаридан, ҳамда дуал таълимни ташкиллаштириш жараёнида қўлланиладиган асосий атамаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳа-си, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси</p>	<p>Август, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта мах-сус таълим вазир-лиги</p>	<p>Молия вазирлиги, Ўзбеки-стон Республикаси Банд-лик ва меҳнат муносабат-лари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарти-риш вазирлиги, Савдо-са-ноат палатаси, бошқа ман-фаатдор давлат органлари, GIZ (келишув бўйича)</p>
<p>“Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги низомга қуйидаги масалаларни ўз ичига олган қўшимчалар киритиш:</p> <p>1) Дуал таълим дастури иштирокчиси бўлган ўқувчининг мақоми ва вазифалари. Ўқувчининг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак, лекин улар билан чекланмайди:</p> <p>а) меҳнат шароитлари, профессионал таълим, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги шароитларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишади</p> <p>б) ўқув ва ишлаб чиқариш интизоми, ички меҳнат қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилади</p> <p>в) ўқув режасида белгиланган тўлиқ ўқув курсини ўтади</p> <p>г) ишлаб чиқариш таълими ва профессионал амалиётдан ўтганлиги тўғрисида кундаликка тегишли ёзув киритади, бажарилган ишлар тўғрисида устозга ҳисобот беради;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта мах-сус таълим вазир-лиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муно-сабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарти-риш вазирлиги ва бошқа манфаатдор давлат орган-лари</p>

<p>д) дуал таълимни тугатгандан сўнг оралик ва якуний аттестациядан ўтади</p> <p>2) <u>Дуал таълим дастурларидан фойдаланиш (жумладан, алоҳида таълимга мухтож ёшлар)</u>. ўқиш давомийлиги, қабулни ташкил этиш мезонлари ва тартиби, қабул жараёнида иш берувчиларнинг иштироки, ўқувчини дуал таълим дастурига қабул қилиш ва ҳ.к.</p> <p>3) <u>Ишлаб чиқаришда устоз-тренерларни рағбатлантириш мезонлари</u>. Дарсликларни молиялаштириш, ишлаб чиқаришда ўқув хоналарини ўқув мебеллари (парта, стол, стул) ва оргтехника билан таъминлаш, ўқувчиларнинг овқатланиш (озик-овқат) ва махсус кийим-кечак (форма) билан таъминлаш харажатларини қоплаш, ўқувчиларнинг эҳтиётсизлиги туфайли жиҳозларга етказилган зарар, бузилиш, аварияларни қоплаш</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи</p>	<p>Сентябрь, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>
<p>Ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш:</p> <p>- дуал таълим дастурида иштирок этувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар;</p> <p>- иш жойи учун йўриқномалар ва намунавий ўқув режаси</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>
<p><b>II. Дуал таълимни бошқаришни тақомиллаштириш</b></p>				
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дуал таълим бўйича Мuvoфиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари</p>
<p>Давлат органи ҳузурида дуал таълим бўйича иш ўринларини мунтазам мониторинг қилиш ва рўйхатга олиш учун масъул бўлган алоҳида бўлимни белгилаш (шунингдек, иш берувчилар учун мос ва қулай, ҳар бир потенциал талаба ва таълим муассасаси учун очиқ ва қулай бўлган жойларни рўйхатдан ўтказиш тартиби учун)</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг буйруғи</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>


<p>Хўудий бандликка кўмаклашиш марказларини дуал таълим доирасида касбга йўналтирувчи маслаҳатчилар билан таъминлаш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бан-длик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг буйруғи</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бан-длик ва меҳнат муносабатлари вазирилик</p>	
<p><b>III. Дуал таълим таркибини ишлаб чиқиш</b></p>				
<p>Касбларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш жойида ва профессионал таълим муассасаларида ўқитиш соатлари сонининг оқилона нисбати билан техник мутахассисликлар бўйича экспериментал ўқув дастурларини ишлаб чиқиш</p>	<p>Экспериментал ўқув режалари</p>	<p>2021/2022 ўқув йили давомида</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, ҳамкор ташкилотлар</p>
<p>Ўқитувчилар ва мураббийларнинг малакасини ошириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Тренинг материалларини ишлаб чиқиш;</li> <li>– Тренерлар учун тренинг ўтказиш;</li> <li>– Ўқитишни амалга ошириш учун мураббий ва ўқитувчиларни танлаш;</li> <li>– Тренингларни баҳолаш;</li> <li>– ўқитувчилар ва мураббийлар учун ўқув модулларининг электрон шаклини ишлаб чиқиш</li> </ul>	<p>Апрель, 2022 Июнь, 2022 Август, 2022  Февраль, 2023</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, ҳамкор ташкилотлар, GIZ (келишув бўйича)</p>

<p>IV. <b>Касбга йўналтиришни ривожлантириш</b></p>	<p>Дуал таълим дастури бўйича касбга йўналтириш ишларини олиб бориш тартибини ишлаб чиқиш</p>	<p>Тартиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қўшма буйруғи асосида тасдиқланади</p>	<p>Апрель, 2022</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги</p>
<p>V. <b>Ахборот-тушунтириш ишлари</b></p>	<p>Иқтисодиёт тармоқларида меҳнат бозорининг малакали ўрта бўғин кадрларига бўлган прогност қилинаётган эҳтиёжларини ўрганиш (давлат дастурлари лойиҳалари бўйича)</p> <p>Мақтаб, коллеж ва лицейларда ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш</p>	<p>Ахборот (аналитик) маълумотнома</p> <p>Таништирув тадбирлари</p>	<p>Ҳар йили 1 февралга қадар</p> <p>Ҳар йили</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>	<p>Вилоят ҳокимликлари</p> <p>Таълим муассасалари, ҳамкор ташкилотлар</p>
<p>Муваффақият ҳисобларини доимий ёритиб олиб бориш билан дуал таълим бўйича ахборот бериш ва тушунтириш ишларини олиб бориш</p>	<p>Баёнотлар, нашрлар</p>	<p>Мунтазам равишда</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги</p>	<p>Ҳокимиятлар, Профессional таълим муассасалари</p>	<p>Ҳокимиятлар, Профессional таълим муассасалари, ҳамкор ташкилотлар</p>
<p>Веб-ресурсларда, ижтимоий тармоқларда дуал таълим ҳақида маълумотларни нашр этиб бориш</p>	<p>Веб-ресурслар</p>	<p>Мунтазам равишда</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги</p>	<p>Ҳокимиятлар, Профессional таълим муассасалари, ҳамкор ташкилотлар</p>	<p>Ҳокимиятлар, Профессional таълим муассасалари, ҳамкор ташкилотлар</p>

## (2) PR-СТРАТЕГИЯ

Дуал таълим бир нечта ҳамкорларнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳамкорлигига асосланган бўлади. Уларга нисбатан тўғри ёндашув ва дуал таълимнинг хусусиятлари ва афзалликлари тўғрисида маълумот бериш керак бўлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги дуал профессионал таълимни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақса-дида PR-стратегия учун маъсул ва ижро этувчи асосий давлат органи ҳисобланади.

Кейинги саҳифадаги режа дуал профессионал таълимни жорий этилишини қўллаб-қувватлаш учун кенг қамровли PR-стратегияни акс эттиради.





## **Нашр маълумотлари**

### **Наشريёт**

Deutsche Gesellschaft für  
Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH  
(Германия халқаро ҳамкорлик жамияти)

Рўйхатга олинган офислар  
Бонн ва Эшборн, Германия

Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш тармоқлари учун профессионал таълим  
Тошкент ш., Чимкент қўч., 7А  
Ўзбекистон Республикаси  
Тел. +99871 280 67 51  
[www.giz.de](http://www.giz.de)

### **Босма**

2022 йил март

### **Чоп этувчи:**

«Kvinta Print» МЧЖ  
Тошкент ш.

### **Дизайн**

«Триада Ltd.» МЧЖ  
Бишкек ш.

### **Матн**

Райнхард Ханнесшлегер, Тея Сипрашвили, Ахадхон Бабахонов, Худайназар Курбанов

GIZ ушбу нашрнинг мазмуни учун жавобгардир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ) номидан